ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРДА ИЧКИ АУДИТ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Насимов Фазлиддин
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.15269534

Аннотация. *Ушбу мақолада вазирлик ва идораларда ички аудит тузилмалари фаолиятини ташкил этишнинг халқаро тажрибалари ва мамлакатимиз тажрибаси таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистонда давлат секторида ички аудит фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар*: давлат молиясини бошқариш, молиявий назорат, ички аудит, вазирлик ва идоралар, давлат бошқаруви, ички назорат.*

Аннотация. *В данной статье проанализирован международный опыт организации деятельности структур внутреннего аудита в министерствах и ведомствах и опыт нашей страны, а также разработаны предложения по дальнейшему развитию деятельности внутреннего аудита в государственном секторе Узбекистана.*

Ключевые слова*: управление государственными финансами, финансовый контроль, внутренний аудит, министерства и ведомства, государственное управление, внутренний контроль.*

Abstract. *This article analyzes international experience in organizing the activities of internal audit structures in ministries and agencies and the experience of our country, and also develops proposals for the further development of internal audit activities in the public sector of Uzbekistan.*

Keywords*: public finance management, financial control, internal audit, ministries and agencies, public administration, internal control.*

КИРИШ

Халқаро тажрибада давлат молиявий назоратини ташкил этишнинг турли моделлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг амал қилиши кўп жиҳатдан иқтисодий ва молиявий ривожланиш даражаси билан бир қаторда давлат молиясини бошқариш тизимига ҳам боғлиқдир. Давлат молиясини бошқариш тизими ўз навбатида давлат бошқаруви тузилмасининг таркибий қисми бўлгани учун давлат молиявий назорати тизимига давлат бошқарувининг таъсирини шу орқали эътироф этиш лозим бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Давлат молиявий назорати тизимини ташкил этиш моделлари таркибида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда фойдаланиладиган «Давлат ички молиявий назорати (PIFC–Public Internal Financial Control)» модели ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Мазкур модель Европа иттифоқига аъзо бўлмоқчи бўлган давлатларга ўз давлат молиявий назорати тизимини ривожлантириш учун тавсия этилади.

Унга кўра давлат ички молиявий назорати тизими концепцияси ўз ичига ҳукумат яъни ижро этувчи органлар ичидаги давлат молиявий назорати тизимини қамраб олади.

Ушбу тизимни ташкил этишнинг моҳияти, зарурияти ва шартлари бўйича ўзининг изланишларини олиб борган Р.Д.Конинг томонидан давлат ички молиявий назорати тизими таркиби юзасидан кенг таҳлиллар амалга оширилган. Унинг фикрига кўра, давлат ички молиявий назоратининг янги модели аввало давлат молиясини бошқаришнинг вазирлик ва идораларга мустақиллик берувчи ҳамда фаолиятини натижага йўналтирувчи янги шаклига ўтилиши билан боғлик бўлади.



1-расм. Давлат ички молиявий назорат тизими модели[1]

1-расмдан кўришимиз мумкинки, давлат ички молиявий назорати моделининг таркиби молиявий бошқарув ва назорат, ички аудит ва мазкур янги тизимларни ташкил қилиш ва ривожлантириш вазифаларини бажарувчи ривожлантириш марказидан иборат.

Мазкур моделнинг энг аҳамиятли жиҳати шундаки у марказлашган молиявий инспекция тизимини инкор этмаган холда номарказлашган лекин масъулиятни ҳар бир вазирлик ва идоралар раҳбариятига бевосита юкловчи ички назорат тизимини яратишни назарда тутади. Ушбу модел амал қиладиган тизимда асосий эътибор қонунчиликка мувофиқликка эмас аввало харажатларнинг иқтисод қилиниши, натижадорлиги ва самарадорлигига қаратилади. Бунда харажатларни натижага йўналтириш ва уни амалга ошириш бўйича тартибларни яратишда вазирлик ва идоралар мустақилликка эга бўлади. Бу мустақиллик шароитида яратилаётган тизимларнинг ёки бошқача қилиб айтганда давлат молиясини бошқариш ва назоратини таъминлашда юзага келиши мумкин бўлган хавфларни баҳолаш ички аудит тузилмаларига юклатилади.

Бу ўринда Ривожлантириш ва мувофиқлаштириш тузилмасининг ўрни беқиёс бўлиб, у янги норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, ходимлар малакасини шакллантириш ва ошириш, мавжуд молиявий назорат тизими тузилмалари билан янги ташкил этилаётган тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириши ва уларни ўзаро трансформацияга тайёрлаш вазифаларини бажаради.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш усулларидан кенг фойдаланилди.

ТАҲЛИЛЛАР ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонда ҳам мазкур янги давлат ички молиявий назорати тизимини яратиш ишлари бошланган. Бунда, янги давлат ички молиявий назорати моделини татбиқ этишда

[1] R.D.Koning Public internal financial control. Интернет манба: www.academia.edu

молиявий инспекция функциясини сақлаб қолган ҳолда вазирлик ва идораларда босқичма-босқич ички аудит тизимини ривожлантириш амалга оширилмоқда.

1-жадвал

Ички аудит тузилмалари ташкил этилган вазирлик ва идоралар сони[2]



1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2020-2024 йиллар мобайнида ички аудит тузилмалари ташкил этилган вазирлик ва идоралар сони нобарқарор ўзгарган. Лекин умумий тенденцияда улар сони ортиб бормоқда. 2023 йилдан бошлаб амалда бўлган маъмурий ислоҳотлар сабабли ички аудит тузилмалари ташкил этилган вазирлик ва идоралар сони 2022 йилга нисбатан кескин камайган бўлсада, бугунги кунда давлат бюджети маблағларининг асосий қисмини тасарруф этувчи вазирлик ва идораларнинг барчасида ички аудит тузилмалари ташкил этилган ва фаолият олиб бормоқда.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ-227-сон фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон фармонига ўзгартириш киритилди ва унга кўра барча Республика ижро этувчи ҳокимият органларида ички аудит тузилмалари ташкил этилиши белгиланди.

Мазкур ҳолатда мамлакатимизда давлат ички молиявий назорати модели татбиқ этилишида ривожлантириш ва мувофиқлаштириш тузилмаси фаолиятини йўлга қўйиш ҳам муҳим қадам бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори билан собиқ молия вазирлиги таркибида Ички аудит хизматлари билан ишлаш бошқармаси ташкил этилган.

[2] Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари

Мазкур бошқармага қуйидаги вазифалар юклатилган[3]:

ички аудит миллий стандартлари ва бошқа услубий ҳужжатларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

ички аудит хизматлари ходимларининг малакасини доимий ошириб бориш ишларини ва уларни сертификатлашни ташкил этиш;

масофавий аудит тадбирлари кўлами ва сифатини ошириш, шунингдек, ички аудит хизматларига хавфларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда услубий кўмаклашиш;

ички аудит хизматлари фаолиятини ўрганиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш асосида ҳисоботлар тайёрлаш ва эълон қилиб бориш.

Юқоридаги қарор билан белгиланган вазифалар бажарилиши натижасида бугунги кунда ички аудит фаолиятини тартибга солувчи қатор норматив ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди, ички аудиторларни сертификатлаш ва малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди. Шу билан бирга, вазирлик ва идоралар ички аудит тузилмалари фаолиятини баҳолаш йўлга қўйилди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бизнингча, юқорида санаб ўтилган ишлар мамлакатимиз вазирлик ва идораларда ички аудит тузилмалари фаолиятини йўлга қўйишнинг мустаҳкам асосини яратди. Шундай бўлсада, бугунги кунда ички аудит фаолияти дунёда доимий ривожланиш тенденцияларини кўрсатмоқда ва Ўзбекистон амалиётини ҳам илғор тажрибаларга етказиб бориш муҳим ҳисобланади.

Шуларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда вазирлик ва идораларнинг ички аудит тузилмалари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

1. Вазирлик ва идоралар ички аудит тузилмалари фаолиятини халқаро ички аудиторлар институтининг стандартлари асосида ташкил этиш мақсадида амалдаги ички аудит миллий стандартларини янги тахрирда қабул қилиш;
2. Вазирлик ва идоралар ички аудит тузилмалари ходимлари малакасини сертификатлаш масаласини халқаро илғор тажрибалар асосида қайта кўриб чиқиш ва кенгайтириш;
3. Ички аудит тузилмалари фаолиятида асосий эътиборни бюджет ташкилотларидаги ички назорат ва хавфларни бошқариш жараёнини баҳолашга қаратишни назарда тутувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори 14-банди.

3. R.D.Koning Public internal financial control. www.academia.edu сайти маълумотлари.